

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАРАЕВА БЕҒАМ ХОЛМАНОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ИККИНЧИ ЧЕТ ТИЛИ СИФАТИДА ЎҚИТИШДА
НУТҚ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА
АМАЛИЁТИ

13.00.02–Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of Doctor of Science (DSc)

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Қараева Беғам Холмановна

Ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишда нутқ
маданиятини шакллантиришнинг назарияси ва амалиёти..... 3

Қараева Беғам Холмановна

Теория и практика формирования культуры речи при
обучении узбекскому языку как второго иностранного..... 37

Begam Kholmanovna Karaeva

Theory and Practice of Forming a Culture of Speech while Teaching
the Uzbek Language, as a Second Foreign Language..... 69

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 73

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАРАЕВА БЕҒАМ ХОЛМАНОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ИККИНЧИ ЧЕТ ТИЛИ СИФАТИДА ЎҚИТИШДА
НУТҚ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА
АМАЛИЁТИ

13.00.02–Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)

Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.DSc/Ped124 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Боқиева Гуландом Ҳисамовна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тўхлиев Боқижон**
филология фанлари доктори, профессор
Юсупова Шохиди Жалолиддиновна
педагогика фанлари доктори, профессор
Жуманазаров Умид Умирзакович
педагогика фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; e-mail: uzswlu_info@mail.ru

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Л.Т. Аҳмедова
Илмий даражалар берувчи Бир марталик
илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор

Х.Б. Самигова
Илмий даражалар берувчи Бир марталик
илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

Х.А. Маматкулов
Илмий даражалар берувчи Бир марталик
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, пед.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсидаги глобаллашувнинг шиддат билан давом этаётганлиги, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кундан-кунга ўсиб бораётганлиги, интеграция жараёнларининг тезлик билан амалга ошаётганлиги таълим жараёнига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бугунги вазият хорижий тилларни ўрганиш ва бу билимлардан нутқий мулоқот доирасида фойдаланиш, уларни эркин қўллаш олиш қобилиятини тақозо этмоқда. Кейинги пайтларда маданиятлараро мулоқот мавзуси ҳам куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Шу маънода турли соҳа мутахассисларининг чет эллик ҳамкасблари билан оғзаки ва ёзма равишда мулоқот қила олишлари, ўзаро фикр ва тажриба алмашувлари оммалашиб бормоқда. Бу, айниқса, уларнинг соҳа мутахассиси сифатида дунёнинг нуфузли халқаро анжуманларидаги иштирокида намоён бўлмоқда.

Жаҳон миқёсида глобаллашув ва ўзаро интеграция жараёнлари янада кучайиб бораётган бир даврда ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ҳам кундан-кунга ортмоқда. Бугунги кунга келиб дунёнинг турли мамлакатларида ўзбек тилида сўзлашувчи 50 миллиондан ошиқроқ аҳоли истиқомат қилаётгани аниқланган. Бу, энг аввало, Ўзбекистон Республикасида ҳамда МДХ давлатлари, Марказий Осиё ва Шарқ, шунингдек, Европа ва АҚШ, Канада ва бошқа кўплаб мамлакатларда яшаётган, ўзбек тилини ўз она тили сифатида тан олиб, бу тилда эркин сўзлаша оладиган кишилардир. XXI асрнинг дастлабки йиллариданоқ ўзбек тилини ўрганувчилар сонининг ошиб бораётгани ва дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўзбек тилини, ўзбек маданияти ва тарихини ўрганишга қизиқувчиларнинг кўпайиб бораётганини қайд этиш мумкин. Хусусан, Россия Федерациясида ҳам бир қатор маънавий - маърифий ислохотлар натижасида МДХ давлатлари тилларини ўқитиш давлат миқёси даражасида кўриб чиқилиб, ушбу жараён мамлакатнинг энг нуфузли олий таълим муассасаларида йўлга қўйилганлиги диққатга сазовордир. Бугунги кунга келиб Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Москвадаги халқаро муносабатлар институти, Россия Халқлар дўстлиги университети ва Москва давлат лингвистика университети ҳамда бир неча ҳарбий академия ва университетларда ўзбек тилининг иккинчи чет тили сифатида ўқитилаётганлиги она тилимизни ўрганишга бўлган қизиқишнинг дунё миқёсида ортиб бораётганлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг чет тили сифатида, айниқса, иккинчи чет тили сифатида ўқитилиши ўзбек тили ўқитиш методикасида энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур муаммони ҳал этиш умуммаданиятимиз ривожига, айниқса, олий ўқув юртлирида таълим бериш жараёнини янада яхшилаш, такомиллаштириш жараёни билан ҳам боғлиқ. Ўзбек тилида сўзлашиш, мулоқот маданиятини эгаллаш ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганаётган талабаларни ўқитишнинг муҳим зарурати ҳисобланади. Муҳтарам Президентимиз тўғри таъкидлаганидек, «Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида

50 миллион кишига яқинлашиб қолди. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради. Бугунги кунда халқаро майдонда обрў-эътибори тобора юксалиб бораётган Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этишда она тилимиз ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Ўзбек тили Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон каби давлатларнинг 60 га яқин университети ва 100 дан зиёд мактабида ўрганилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган чет эллик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаймоқда.»¹ Дунёнинг кўплаб тараққийпарвар ва тинчликсевар мамлакатларида юқори малакали мутахассисларни, жумладан, юқори малакага эга бўлган ўқитувчиларни, шунингдек, ижтимоий-сиёсий соҳалар бўйича мутахассисларни тайёрлаш ҳам ижтимоий давлат аҳамиятига эга бўлган иш эканлиги кун тартибига қўйилмоқда, чунки келажак авлод таълим - тарбияси, билим даражаси ўқитувчиларнинг касбий маҳоратига, ёшлар билан иш олиб борадиган ижтимоий гуманитар соҳа мутахассисларининг фаолиятига ҳам боғлиқдир. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида Ўзбекистон Республикасида таълим жараёнини ҳозирги инновацион жараёнлардан келиб чиққан ҳолда янгилаш кўзда тутилган. Бу эса келажакда мутахассислар тайёрлашнинг сифатини янада оширади. Бугунги кундаги касбий - педагогик мулоқот жараёни талабаларни аниқ мақсадларга йўналтирилган ҳолда ўқитишни талаб қилади, бу талаб мутахассисларнинг, айниқса, ўқитувчи шахсининг ўзига хос бўлишини, билими, нутқ маданияти, маҳорати билан ҳар бир ўқувчига, талабага индивидуал ёндашувида, мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олишида кўринади. Бу эса ўзбек тили мутахассисларининг олдига ҳам қатор вазифаларни қўяди. Хусусан, ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишда нутқ маданиятини шакллантириш муаммоси ҳозирга қадар махсус фундаментал тадқиқот объекти бўлмаганлиги, мазкур масаланинг назарий ва амалий жиҳатлари монографик аспектда ўрганилмаганлиги ушбу диссертация мавзусининг долзарб эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» ги ПФ-4797-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПФ-5847-сонли, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5850-сонли, 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6084-сонли, 2021 йил 19 майдаги «Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. ЎЗА, 2019, 22 октябрь.

Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5117-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли, фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «5таташаббус» лойиҳаси ҳамда бошқа таълим мазмуни сифатини такомиллаштиришга доир меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.²

Ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш методикасига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Columbia University, Michigan State University, Texas University, University of Pennsylvania, California University, Harvard University, Chicago University Arizona State University, Indiana State University (АҚШ); Gumboldt Name University (Германия); Institute of Asian and African Countries under the Moscow State University, Moscow State University of International Relations, Moscow State Linguistic University, St. Petersburg State University, Southern Federal University (Россия Федерацияси); Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон ижтимоий фанлар тизимида иккинчи чет тилини ўқитишда нутқ маданиятини шакллантиришнинг назарияси ва амалиётини ўрганиш методикасига йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш юзасидан бакалавр ва магистратура йўналишида ўқув дастурлари тайёрланиб, «Учебник узбекского языка» дарслиги нашр қилинган (Institute of Asian and African Countries under the Moscow State University, Россия Федерацияси), ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш жараёнида талабаларни ўзбек тили нутқ маданиятга ўргатиш юзасидан бакалаврият ва магистратура йўналишлари учун фан дастурлари тайёрланиб, «Узбекский язык для стран СНГ» дарслиги яратилган, халқаро миқёсда ўзбек тилини тарғиб қилиш юзасидан ўзбек тили ва маданияти

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.linguanet.ru, <https://mgimo.ru/languages/teaching/shkola-uzbekskogo>, <https://www.mgpu.ru/wp-content/uploads/>, <https://iaas.msu.ru/>, <https://www.languagetrainers.com/>, <https://mytashkent.uz/https://word-house.ru/yazyki>, <https://beliro.ru/http://old.muslim.uz/index.php/bsu.edu.az>, www.msu.ru, www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

маркази очилган, ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида интенсив ўрганиш юзасидан махсус курслар ташкил қилинган.(Moscow State Linguistic University, Россия Федерацияси); ўзбек тилини иккинчи чет тил сифатида ўқитиш ва босқичма-босқич ўрганиш юзасидан ишчи ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари яратилган. (Moscow State University of International Relations, Россия Федерацияси); 2020 йилдан бошлаб Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидан ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш муаммоларига бағишланган илмий анжуманлар ўтказиб келинади, «Ўзбеккона» дарслиги чоп этилган. (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон).

Жаҳон тилшунослигида иккинчи чет тилини ўқитиш методикаси бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: чет тили ўқитиш методикасини назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш, тил ўқитишда лингвомаданиятшунослик, лингвомаданиятшунослик, маданиятлараро мулоқот орқали тил ўрганиш, чет тилини ўқитиш жараёнида миллий-маданий интерференция муаммосини ҳал қилиш; ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганишда тиллар лексикологияси ва фразеологияси билан қиёсий ёхуд чоғиштириб ўрганиш, ўзбек тилини ўрганишнинг интенсив дастурларини яратиш кабилар шулар жумласидан ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда иккинчи тилни ўқитиш муаммолари В. Андриянова, Л. Аҳмедова, Г. Боқиева, З. Салишевларнинг, рус гуруҳларида ўзбек тилини ўргатиш масалалари эса С. Адилова, Г. Асилова, Г.Аҳмедова, Г.Аҳророва, Н. Бекниязова, М. Жўраев, Р. Ниёзметова, М. Рихсиева, Д. Тошхўжаева, Л. Миржалолова, Қ. Ҳусанбоева, М. Қорахўжаева, Г. Қурбонова, Ф. Қодирова, Р. Йўлдошев³ каби олимларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

³Аҳмедова Л.Т., Лагай Е.А. Современные технологии преподавания русского языка и литературы. – Ташкент: Fanvatechnologiya, 2016. – 296 с; Андриянова В.И. Теория и практика обучения узбекских школьников устноречевому общению на русском языке: Дисс. ... докт. пед. наук. – Ташкент, 1997. – 350 с; Бакиева Г.Х. Преодоление звуковой интерференции при обучении русскому произношению студентов-узбеков (на материале консонантизма): Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 1987. – 24 с; Салишева З.И. Ўзбек тили машғулотларида талабалар монологик нутқини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш (рус гуруҳларида): Пед. фанлари бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс.. автореф. – Тошкент, 2019. – 56 б.; Адилова С. Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологиялари воситасида ташкил этиш (олий таълим муассасаларининг русийзабон гуруҳларида): Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 160 б.; Асилова Г. Олий таълимда божхона-солиқ йўналишида таҳсил олаётган рус гуруҳлари талабаларини давлат тилида касбий мулоқот юритишга тайёрлаш: Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2017. – 291 б.; Аҳмедова Г. Ўзбек тили дарсларида талаба нутқини ясама сўзлар билан бойитишнинг методик асослари (таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2006. –164 б.; Аҳророва Г. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида кўмакчили бирикмаларни ўрганиш методикаси: Пед. фан. ном. ... дисс. –Тошкент, 1999. –156 б.; Бекниязова Н. Бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларга матн яратишни ўргатиш методикаси (таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар мисолида): Монография. – Тошкент, 2012. – 160 б.; Жўраев М. Ўзбек тилини давлат тили сифатида ўргатиш методикасининг шаклланиши (олий ўқув юрғларида давлат тили таълими мисолида): Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 149 б.; Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий ва методик асослари (рус гуруҳлари мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 242 б. Рихсиева М. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида талабани матн тузишга ўргатиш: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 156 б.; Тошхўжаева Д. Матн мазмунини ўз сўзлари

Россияда иккинчи тилни ўқитиш хусусиятлари, боғланишли монологик нутқ ва уни ривожлантириш масалалари А.К. Амрахова, И.И. Антонова, И. Л.Бим, В.А. Бухбиндер, Л.В. Волкова, Л.С. Виготский, И.Р. Гальперин, Н.Н. Гладишева, Н.И. Жинкин, И.А. Зимняя, А.А. Леонтьев, Д.Н. Луферов, А.В. Назарова, О.А. Нечаева, Г.В. Рогова, С.Л. Рубинштейн⁴ томонидан ўрганилган.

Сўзга, нутққа бўлган эътибор халқимиз тарихида Х асрдаёқ, яъни Маҳмуд Қошғарий ва унинг замондошлари ижодида кенгрок ёритилиб, нутқ одоби, муомала маданияти билан боғлиқ илмий асарлар яратилган эди. XV асрга келиб, Алишер Навоий ва унинг замондошлари, издошлари ижодида сўз санъати ўзининг энг юксак поғонасига кўтарилди, воизлик санъати бўйича мактаблар яратилиб, Муин Воиз, Ҳусайн Воиз Кошифий сингари нотиклик санъатининг йирик вакиллари етишиб чиққан эди. Ўзбек олимларининг илмий тадқиқотлари эса XX асрнинг дастлабки йилларидан бошланди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний сингари жаҳид адабиёти вакиллари ижодий фаолиятида бу мавзуларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

XX асрнинг 70-, 80 - йилларига келиб, ўзбек тили нутқ маданияти масалаларига алоҳида эътибор берилди бошланди. Бу даврда ўзбек олимларидан А. Аҳмедов, Ҳ.Жалилов, Э.Бегматов, О.Усмонов, М.Усмонов, Б.Ўринбоев, С.Иномхўжаев, А.Солиев, Р.Кўнғуров, Ё.Тожиевларнинг⁵ ўзбек

билан қайта ҳикоя қилишга ўргатишнинг методик асослари: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2000. – 130 б.; Миржалолова Л. Ўзбек тили машғулотларида болаларни савол-жавобга ўргатишнинг назарий-методик асослари (таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган болалар боғчалари мисолида): Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2000. – 137 б.; Ҳусанбоева Қ. Ўзбек адабиётини таълим давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўқитишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1997; Қорахўжаева М. Нофилологик гуруҳ талабалари касбий нутқини феъл асосида шакллантириш методикаси: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2002. – 156 б.; Қурбонова Г. Тиббиёт институтларининг рус гуруҳларида «Ўзбек тили» фанини ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг ихтисосий нутқи устида ишлаш методикаси: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 148 б.; Кадырова Ф. Р. Лингводидактические основы обучения детей дошкольного возраста второму языку (на материале русского и узбекского языков): Дисс. ... док. пед. наук. – Ташкент, 2006. – 354 с.; Yo'ldoshev R.A. Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarda o'zbek tilini o'qitish metodikasi. – Toshkent, 2015. – 157 b.

⁴Амрахова А.К. Обучение иноязычной коммуникативной компетенции учащихся лезгин(английский язык, основная школа): Дисс. канд.пед.наук. – Махачкала, 2015.– 212 с.; Антонова И.И. Критерии и нормы оценок монологической речи //Иностранные языки в школе. – 2012. – С. 72-80.;Бим И. Л. Концепция обучения второму иностранному языку: немецкий на базе английского. – Обнинск, 2001. – 45 с.; Бухбиндер В. А. О системе упражнений // Общая методика обучения иностранным языкам: хрестоматия. – М., 1991. – С. 92–99.;Виготский Л.С.Мышление и речь. 2-е издание/ Серия: Мастера психологии – СПб.: Питер, 2017. – 432 с.; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования.– М., 2006. – 144 с.;Гладишева Н.Н. Методика формирования грамматических навыков говорения на начальной ступени языкового вуза (на материале видо-временных форм английского глагола): Дисс. ... канд. пед. наук. – М., 2009. – 251 с.; Жинкин Н.И.Язык–речь–творчество: исследования по семиотике, психолингвистике, поэтике. – М., 1998. – 364 с.; Зимняя И.А. Лингвопсихология речевой деятельности. – М.: МПСИ, Воронеж, 2001. – 432 с.; Леонтьев А.А. Язык, речь и речевая деятельность / 6-е издание. – М.: Красанд, 2010. – 216 с.; Назарова А.В. Методика обучения студентов бакалавриата педагогического вуза иноязычной монологической речи на основе междисциплинарной интеграции: Дис.... канд. пед. наук.– Пермь, 2018. – 167 с.;Рогова Г.В. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. – М.:Просвещение, 1991. – 287 с.; Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Издательство «Питер», 2000. – 712 с.

⁵ А. Аҳмедов Искусство публичных выступлений. – Ташкент: Узбекистан, 1967 г., Х.Жалилов Искусство публичных выступлений. – Ташкент: Узбекистан, 1976 г., Э. Бегматов О культуре речи – Узбекский язык и литература, 1975, вып. 5, – С. 48-53., О.Усмонов, Некоторые вопросы культуры речи / Сборник «Вопросы культуры речи узбекского языка». – Т.: Наука, 1973. – С. 77-86., Б. Уринбоев, А. Солиев, Уринбоев Б., Солиев А. Навыки публичных выступлений. – Ташкент: Укитувчи, 1984, – С.102., Иномходжаев С.,

тили нутқ маданияти муаммоларига бағишланган асарлари бу мавзудаги илмий тадқиқотларнинг самараси сифатида юзага келган. Бу тадқиқотларда нутқ маданияти, нотиклик санъати тарихи ва унинг ривожига билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган. Мамлакатимизда маънавий жабҳасида олиб борилаётган ишлар қаторида нутқ маданияти масалалари ҳам энг долрзаб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Кейинги йилларда яратилган Э.Қиличев, Б.Қиличев, Н.Махмудов, Р.Расулов, Б.Тўхлиев, А.Муйдинов, Н.Бекмирзаев, А.Ортиқов, С.Султонсаидова, Ў.Шариповаларнинг⁶ дарслик ва ўқув қўлланмаларида ўзбек тили нутқ маданияти, ўзбек тилини ўқитиш методикаси, нутқ стилистикаси, нутқ турлари, нотиклик маҳорати ва нотиклик санъати масалаларига бугунги давр нуқтаи назаридан ёндашилган.

XXасрнинг дастлабки йилларидан ҳозирги кунга қадар олиб борилган тадқиқотлар орасида Ш.Ш.Юлдашевнинг «Давлат тили таълимида ўқувчилар нутқий малакаларини ўстиришнинг илмий-методик асослари»⁷, ўқувчиларнинг нутқий малакаларини ўстириш масалалари атрофида таҳлил қилинади. Ўзбек тилининг тасвирий воситаларини ўрганиш борасида К.Т.Бозорбековнинг «Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари»⁸ тадқиқотида ўзбек тилини ўрганишда кундалик нутқимизда кўп қўлланиладиган турғун бирикмалар, фразеологизмлар чуқур таҳлил қилинади. Шунингдек, А.К.Нисанбаевнинг «Ўзбек тили дарсларида матн воситасида ўқувчилар нутқини ўстиришнинг методик асослари»,⁹ А.Р.Эргашевнинг «Она тили дарсларида назарий маълумотларни мустаҳкамлаш жараёнида нутқ ўстириш методикаси»,¹⁰ Т.Зиёдовнинг «Она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш»¹¹ каби тадқиқотлари эса ўқувчилар ва талабаларнинг ўзбек тилида нутқини ўстириш масалаларига бағишланган. Р.А.Йўлдошевнинг «Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси»¹² тадқиқотида эса энг самарадо усуллардан бири талқин этилади. Н.З.Умаровнинг «Талабаларнинг ўзбекча нутқини ўстиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш

Иномходжаев С. Основы публичного выступления. – Ташкент, 1982, – С.157.; Кунгуров Р., Бегматов Э., Таджиева Ё. Кунгуров Р., Бегматов Э., Тожиев Э. Основы культуры речи и методики. Т.: 1992. – 160 с.

⁶ Киличев Б.Е., Киличев Э.Р. Основы культуры речи и методики. Учебное пособие для студентов высших и средних специальных учебных заведений. – Ташкент, 2002. – С.114., Н. Махмудова, Б. Тўхлиева., Мы изучаем узбекский язык. - Ташкент: Учитель, 1991. – С.128., Расулов Р., Хусанов Н., Муйдинов К., Культура речи и искусство ораторского искусства. – Ташкент, 2008. С.128., Бекмирзаева Н., Бекмирзаев Н. Основы ораторского искусства - Ташкент, 2008, С.242., Султонсаидова С., Шарипова У. Стилистика узбекского языка: - Т.: Изд-во "Юрист-медиа центр", 2009. – С.112.

⁷ Ш.Ш.Юлдашева «Давлат тили таълимида ўқувчилар нутқий малакаларини ўстиришнинг илмий-методик асослари (таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган академик лицейлар мисолида) пед.фан.номз.дисс. – Т., 2008, –133 б.

⁸ К.Т.Бозорбеков. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари. пед.фан.номз.дисс... – Т., 1998, – 162 б.

⁹ А.К.Нисанбаева. Ўзбек тили дарсларида матн воситасида ўқувчилар нутқини ўстиришнинг методик асослари (Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблар мисолида) пед.фан.номз.дисс.. – Т., 1998, – 160 б.

¹⁰ А.Р.Эргашева Она тили дарсларида назарий маълумотларни мустаҳкамлаш жараёнида нутқ ўстириш методикаси, – Т., 2010. -69 б

¹¹ Т.Зиёдова. Она тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш: пед.фан.номз.дисс.... – Т., 1995. – 141 б.

¹² Р.А.Йўлдошев. Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини уларни кўп гапиртириш орқали ўстириш методикаси (монография) – Т., 2012. – 214 б.

методикаси»¹³ мавзусида олиб борилган тадқиқоти нутқ ўстиришда замонавий технологиялардан самарали фойдаланишни илгари суради. Юқорида келтирилган тадқиқотларда нутқ маданияти, нотик нутқи, нутқ ўстириш, оғзаки ва ёзма нутқ мулоқот маданияти, сўз бойлигини ошириш, касбий педагогик мулоқот маданияти масалалари тил, педагогика, методика фанлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, муаммо ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тадқиқ этилган. Кейинги йилларда ўзбек тили нутқ маданиятида ифодаларнинг грамматик жиҳатдан тўғрилиги, нутқнинг қатор коммуникатив сифатлари, ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқда нутқ маданияти талаблари ҳисобга олинганлиги, услубий қоидаларга амал қилинганлиги, буёқдор лексика, экспрессив ифодаловчи грамматик воситалар маҳорат билан ишлатилганлиги масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабаларнинг илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари» йўналиши бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишда нутқ маданиятини шакллантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш, методикасини илмий асослаш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганаётган талабаларнинг ўзбек тили нутқ маданиятини эгаллашлари учун зарур бўлган билимлар йиғиндисини аниқлаш;

ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш жараёнида нутқ маданиятини ўрганишда касбий маҳорат, тилшунослик, тил ўқитиш методикаси нуқтаи назаридан талабаларнинг билим ва малакаларни эгаллашларининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш ҳамда мавжуд муаммолар ва қийинчиликларни аниқлаш;

ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганаётган талабаларнинг нутқий мулоқот ва нутқ маданиятини шакллантиришга қўйиладиган талабаларни аниқлаш, касбга доир билимлар ва лаёқат турларини тавсифлаш;

ўзбек тилининг иккинчи чет тили сифатида ўрганилиши билан боғлиқ фанларнинг ўқитилишида махсус фанлар бўйича ўқув дастурларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

ўзбек тили нутқ маданиятини ўстириш бўйича амалий машғулотлар жараёнида хорижлик талабалар нутқ маданиятининг ҳозирга қадар шаклланганлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш;

хорижлик талабаларда ўзбек тили нутқ маданиятини ўстириш бўйича мавжуд имкониятларни ўрганиш;

¹³Н.З Умарова. Талабаларнинг ўзбекча нутқини ўстиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш методикаси (техника олий ўқув юртларининг русийзабон гуруҳлари мисолида): пед.фан.номз.... дисс., – Т., 2007. – 135 б.

тадқиқотни олиб бориш жараёнида ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганаётган талабаларнинг ўзбек тили нутқ маданиятини эгаллаганлик даражасини баҳоловчи мезонларни асослаш;

ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганаётган хорижлик талабаларнинг ўзбек тили нутқ маданиятини самарали ривожлантиришга имкон берувчи иш усуллари, шакллари ва воситаларни аниқлаш;

хорижлик талабаларнинг ўзбек тилида нутқ маданиятини шакллантиришда аудитория ва ундан ташқари тадбирлар ва мустақил ишларнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганаётган хорижлик талабаларда ўзбек тили нутқ маданиятини шакллантириш бўйича амалий машғулотлар ва мустақил таълим бўйича ўқув-методик тавсияларни ишлаб чиқиш, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тили машғулотларида ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишда нутқ маданиятини шакллантириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганаётган хорижлик талабаларни ўзбек тилида нутқий мулоқотга ўргатишнинг самарали методлари ва шакллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсади ва белгиланган вазифаларига эришишда қуйидаги методлардан фойдаланилди: тажриба орқали ўзлаштирилган маълумотларни тўплаш методи (дастурий ва ўқув методик ҳужжатлар таҳлили, компонент таҳлил ва лексик таҳлил методи (ўзбек тили дарсларида қўлланадиган тил бирликларнинг мазмунини аниқлаш), мантиқий - мазмуний таҳлил методи (дарслар мазмунида бериладиган фикрларнинг ўзаро мантиқий боғлиқлиги), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш), прогностик (умумлаштириш, баҳолаш), педагогик эксперимент ва математик статистика методлари (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишда дарс жараёнидаги амалий ва мустақил таълим машғулотлари ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишнинг самарадор усулларида иборат методология нутқ маданиятини шакллантиришнинг лингводидактик асосларини аниқлаш орқали такомиллаштирилган;

халқаро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий йўналишларда таҳсил олаётган талабаларга таълим жараёнини ташкил этишнинг механизми чет тилини ўқитиш таълим мазмунига хат, хабар (расмий ва норасмий) махсус маълумотлар (резюме, тақриз, аннотация, шарҳлаш), эссе (баён ва иншолар), илмий ишлар (мақолалар) топшириқлар компонентларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

модулли тизимда халқаро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий йўналишларда таҳсил олаётган талабаларнинг маданиятлараро мулоқот компетенцияси нуктаи назаридан дифференциал ёндашув асосида босқичма-

босқич А1, А2 билим даражаси кўрсаткичларини В1+ даража билан биргаликда қўллашнинг самарадорлиги аниқланган;

амалий машғулотлар ва мустақил таълим жараёнида ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари (тез айтишлар, мақоллар, маталлар, эртаклар, ривоятлар ва халқ кўшиқлари) ёзилган аудиоматнларни тинглаш, талаффуз қилиш ва ижро этиш ёрдамида фонетик компетенцияни шакллантириш орқали талабаларни ўзбек тилида тўғри талаффузга ўргатишнинг лингводидактик таъминоти такомиллаштирилган;

назорат ва тажриба гуруҳларида талабаларнинг ўзбек тилида нутқ маданиятини шакллантириш кўрсаткичлари орасидаги дифференциал тафовутни аниқлаш орқали ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда бугунги кунда ўзбек тилининг республикамизда ва чет элларда иккинчи чет тили сифатида ўқитишнинг лингводидактик асослари ишлаб чиқилган;

ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишнинг мазмуни дарслик, ўқув қўлланмалар, тестлар тўпламлари ва ишчи дастурларида, ўқув-методик мажмуаларида ва дарсдан ташқари ўтказилган тадбирларнинг дастурларида акс этган;

талабаларнинг амалий машғулотлардаги ва мустақил ишлар юзасидан берилган топшириқларни бажаришлари бўйича натижаларни баҳолашнинг мезонлари, меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилган;

ўзбек тилини ўқитишнинг келгуси истиқболли режалари, ўзбек тилини чет тили сифатида ўргатадиган ўқитувчилар учун тавсиялар, ўқув-методик мажмуалари ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг илмий базаси, методологияси ва тадқиқот методикасини белгилашда, янги муаммоларнинг илгари сурилиши ҳамда янгича вазифаларнинг ҳал этилишида ишончли манбаларга таянилганлиги ҳамда олиб борилган тадқиқот натижалари диссертациянинг назарий хулосаларига мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган назарий фикрлар ва тақлиф этилган услубий тавсиялардан ўзбек тилшунослиги, ўзбек тили ўқитиш методикаси, нутқ маданияти, стилистика, риторика, иккинчи чет тилини ўқитиш методикаси бўйича бажарилаётган илмий-тадқиқотларда, маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш мазмуни ва методик тизимини такомиллаштиришда, иккинчи тил (ўзбек тили) таълими жараёни самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги материаллар олий ўқув юртларининг филология, тарих, ижтимоий-сиёсий йўналишдаги ва бошқа факультетларида иккинчи чет тилини ўқитиш, нутқ маданияти, стилистика, нотиклик санъати фанлари бўйича ўқиладиган

маърузалар, амалий машғулот ва махсус семинарлар олиб боришда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилининг иккинчи чет тили сифатида ўрганилишида нутқ маданиятини шакллантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишда нутқ маданиятини шакллантиришнинг назарияси ва амалиёти билан боғлиқ жараён илк бор тадқиқ қилиниб, дарс жараёнидаги амалий машғулотлар ва дарсдан ташқари машғулотлар ёрдамида таълим жараёнини ташкил этишнинг самарадор усуллари оид хулосалардан Москва давлат лингвистика университетининг таълим жараёнида фойдаланилган (Москва давлат лингвистика университетининг 2022 йил 25 августдаги 28/4464-сон маълумотномаси). Натижада Москва давлат лингвистика университетида ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш бўйича дастурлар мазмунини янада бойишига хизмат қилган;

халқаро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий йўналишларда таҳсил олаётган талабаларга чет тилини ўқитиш таълим мазмунига киритилган топшириқлар: хат, хабар (расмий ва норасмий) махсус маълумотлар (резюме, тақриз, аннотация, шарҳлаш), эссе (баён ва иншолар), илмий ишлар (мақолалар) билан ишлаш бўйича таълим жараёнини ташкил этишга оид натижалардан Эрасмус+ дастурининг ICM, KA-107 - International Credit Mobility between European Union and Uzbekistan HEIs, through staff and student mobility exchange projects between Uzbekistan State University of World Languages and Ruhr University Bochum (Germany) -2020-1-DE01-KA107-005433- (Европа Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўртасида халқаро тажриба алмашинуви доирасида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Бохумдаги Рур университети (Германия) ўртасидаги кредит сафарбарлиги) лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2022 йил 12 сентябрдаги IRD/27-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида яратилган материаллар нутқ маданияти компетенциясига оид янги илмий далиллар билан бойитилган;

модулли тизимда халқаро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий йўналишларда таҳсил олаётган талабаларнинг маданиятлараро мулоқот компетенцияси нуқтаи назаридан дифференциал ёндашувига оид хулосалардан Эрасмус+ дастурининг ICM, KA-107 - International Credit Mobility between European Union and Uzbekistan HEIs, through staff and student mobility exchange projects between Uzbekistan State University of World Languages and Ruhr University Bochum (Germany) - 2020-1-DE01-KA107-005433- (Европа Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўртасида халқаро тажриба алмашинуви доирасида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Бохумдаги Рур университети (Германия) ўртасидаги кредит сафарбарлиги) лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2022 йил 12 сентябрдаги IRD/23-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида яратилган материаллар

орқали талабаларнинг нутқий маданий компетенциясига оид кизиқишларининг янада ортишига хизмат қилган;

амалий машғулотлар ва мустақил таълим жараёнида ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари (тез айтишлар, мақоллар, маталлар, эртақлар, ривоятлар ва халқ кўшиқлари) ёзилган аудиоматнларни тинглаш, талаффуз қилиш ва ижро этиш ёрдамида фонетик компетенцияни шакллантириш орқали талабаларни ўзбек тилида тўғри талаффузга ўргатишнинг лингводидактик таъминотига, талабаларнинг ўзбек тилида нутқ маданиятини шакллантириш кўрсаткичлари орасидаги дифференциал тафовутни аниқлаш орқали ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш самарадорлигига оид хулосалардан ҳамда миллий кадриятлар, урф-одатлар, анъаналарнинг ўзбек тили билан узвий жиҳатлари хусусидаги қарашлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Таълим ва тараққиёт», «Миллат ва маънавият», «Адабий жараён» номли эшиттиришларининг сценарийларини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 24 февралдаги О‘з/Рv-06-22 рақамли маълумотномаси). Натижада ушбу эшиттиришларда берилган илмий тавсиялар тингловчиларнинг мулоқот маданияти, оммавий мулоқот саводхонлиги бўйича билимларини шакллантириш ва ўзбек тили нутқ маданиятини эгаллашлари учун хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 27 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 16 та республика 11 та халқаро конференцияда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан, 11 таси республика, 10 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 268 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий ишнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги очиб берилган, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, тадқиқот методлари ҳамда ундаги илмий янгилик, назарий ва илмий аҳамияти аниқланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг юртимиз ва хорижда гиилмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилганлиги,

апробациядан ўтганлиги ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг таркибий қисми ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Ўзбек тилини хорижий талабаларга иккинчи чет тили сифатида ўқитишда нутқ маданиятини шакллантиришнинг назарий асослари» деб номланиб, мазмунига кўра назарий боблардан бири ҳисобланади. Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўзбек тилига қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Бу эҳтиёж, айниқса АҚШ, Европа ва қатор Шарқ мамлакатларида кузатилмоқда. Хусусан, Берлиндаги Гумбольдт номидаги университети Европадаги ўзбек тилини ўрганиш маркази бўлиб ҳисобланади, АҚШнинг ўн икки олий ўқув юртларида ўзбек тили чет тили сифатида ўқитилади. Улар орасида Нью-Йоркдаги Колумбия университети, Мичиган давлат университети ва Остиндаги Техас, Филадельфиядаги Пенсилвания, Лос Анжелосдаги Калифорния университети, Кембриждаги Гарвард университети, Чикагодаги Чикаго университети, Аризона давлат университети, Индиана давлат университетлари шулар жумласидандир.

МДХ давлатлари, шунингдек, Россия Федерациясида ҳам ўзбек тилини ўқитишга бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Ломоносов номидаги Москва Давлат университети қошидаги Осиё ва Африка мамлакатлари тарихи институти, Санкт-Петербург давлат университети, Ростов Дондаги Жанубий федерал университетлари ва Москвадаги бир неча ҳарбий олий ўқув юртларида ҳам ўзбек тили чет тили сифатида ўрганилмоқда.

Москва давлат лингвистика университетида ўзбек тили ўқув дастури асосида иккинчи чет тили сифатида ўрганилиб, ўзбек тили ва маданиятини ўрганиш бўйича 2010 йилдан бошлаб беш йиллик ва тўрт йиллик (бакалавриат) бўлимларида ва 2015 йилдан бошлаб магистратура бўлимида бир неча ўқув дастурлари ишлаб чиқилган. Ўзбек тили иккинчи хорижий тил сифатида халқаро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий фанлар институтининг сиёсатшунослик, минтақашунослик бўйича мутахассисликлар йўналишларида ўқитилади. Шунингдек, 2012-2015 йилларда гуманитар амалий фанлар факультетида амалий ва назарий лингвистика йўналиши бўйича бакалаврлар гуруҳи, 2015-2017 йилларда эса магистрлар гуруҳлари учун ҳам ўқув дастурлари ишлаб чиқилган.

Олий таълим тизимида иккинчи чет тилини ўрганиш анъанаси бугунги МДХ давлатлари ҳудудида йигирманчи асрнинг 50-60 йилларидаёқ бошланган. XX асрнинг охирига келиб, собиқ иттифоқ ҳудудида янги мустақил давлатларнинг ташкил топганлиги бу давлатлар ўртасида янги сиёсий-иқтисодий, маданий ва дўстлик алоқаларининг тезкорлик билан ўрнатилишига олиб келди. МДХ ташкилотининг ташкил этилиши, 2002 йилда Москва давлат лингвистика университетида МДХ аъзолари бўлган давлатлар тиллари ва маданиятини ўрганиш бўйича Таянч ташкилотнинг тузилиши Россия Федерациясида тил ўрганиш тизимида янги бир даврни бошлаб берди.

Москва давлат лингвистика университетида арман, грузин, озарбайжон, қирғиз, қозоқ, украин, румин, тожик ва ўзбек тиллари ўрганилади, бу эса

янгича ёндашувларнинг зарурлиги, янги ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмаларнинг яратилишига асос бўлди.

Тиллар бўйича ўқув дарсликлари, ўқув-услубий мажмуалари, ўқув қўлланмалари, тестлар тўпламлари, ўқитувчилар учун услубий тавсиялар ишлаб чиқилди. Шу жумладан, «Узбекский язык для стран СНГ» дарслиги, ўқув дастурлари, тест мажмуалари яратилди¹⁴.

Жаҳон мамлакатларида ўзбек тилининг хорижий тил сифатида ўқитилиши бу борада қилинадиган ишлар улкан йўналишнинг тизими, дастурлари, қўлланмалари, турли мавзуларда луғатларнинг ишлаб чиқилишини тақозо этади ва ҳозирги долзарб вазифа бажарилиши лозимлигини кун тартибига чиқаради.

Иккинчи чет тилини танлашда қуйидаги асосий омиллар ҳисобга олинади:

- чет тилининг бутун дунёда тарқалганлиги ва оммабоплиги даражаси;
- жамиятнинг ижтимоий буюртмаси;
- минтақага доир шарт-шароитлар ва эҳтиёжлар;
- мутахассисларни тайёрлаш;
- талабаларда коммуникативлик ва англаш эҳтиёжи ҳамда

қизиқишларнинг мавжудлиги.

Чет тилини ўргатишнинг бош мақсади – тил тизимини ўрганишдан ҳам кўра (лингвистик лаёқатлар), балки кўпроқ мулоқот лаёқатига эга бўлишдир, яъни инсоннинг ўрганилаётган тил воситалари асосида у ёки бу фаолият доирасида нутқий мулоқотни олиб боришга тайёрлигидир. Мулоқотга кириша олиш лаёқати асосида тилга доир билимлар, нутқий кўникма ва малакалар йиғиндиси туради, буларнинг барчаси дарслар жараёнида шакллантирилади ва ўрганилади.¹⁵

Ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганишда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш керак:

- иккинчи чет тилига ўқитишнинг психоллингвистик қонуниятлари;
- иккинчи чет тилига ўқитишнинг дидактик-услубий асослари.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўп тилли ўқитиш ниҳоятда мураккаб, шунингдек, иккинчи чет тилини ўқитишнинг бир қатор ўзига хос қийинчиликлари бор, иккинчи чет тилини эгаллаш энг камида икки қонуниятни юзага келтиради:

а) интерференция муаммолари нафақат она тили, балки биринчи чет тили томонидан ҳам юзага келади;

б) шу билан бир қаторда, айтилаётган фикр ёки жумлаларни бир тилдан иккинчи чет тилига ижобий кўчириш учун ҳам катта имкониятлар очилади.

¹⁴Бакиева Г. Х., Караева Б. Х., Коршунова Е. Н., Краева И. А., Тешабаева Д. М., Фролова Г. М. «Узбекский язык для стран СНГ». Учебник. – М.: «Рема»ФГБОУ ВПО МГЛУ, 2012 – 331с.

¹⁵Щукин Н.А. Методика обучения речевому общению на иностранном языке. – М.: Икар, 2011. – С. 154–157.

Шу сабабли иккинчи чет тилига ўргатишда самарадорликка эришиш учун зарур бўлган талаблардан бири қиёсий жиҳатдан ёндашувни амалга ошириш ҳисобланади¹⁶.

Ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш жараёнида унинг ўзига хос томонлари, қийинчиликлари борлигини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади:

- яъни асосий ўқув материалдан ташқари у ёки бу топшириқларни бажара олиш;
- луғат ва маълумотномалар билан ишлай олиш;
- чет тилида қўшимча адабиётлар, жадваллар, статистик маълумотлар ва кўргазмали материаллар билан ишлай олиш.

Қиёслаш, таҳлил қилиш ва фикрларни умумлаштириш талабага ўзбек тили грамматикасига оид материални эгаллашида катта ёрдам беради. Ўзбек тилини чет тили сифатида ўрганиш махсус яратилган дарсликлар, ўқув қўлланмаларининг танқислиги ҳолатида «Ўзбекский язык для стран СНГ» дарслиги ва ўқув-методик мажмуаларининг борлиги бу жараёндаги қийинчиликларни енгишда самарали манба бўлиб хизмат қилади.

Ўқув жараёни адабий тил меъёрларини эгаллаш, яъни нутқ маданиятини эгаллашга йўналтирилган бўлиши шарт. Агар талабалар ўрганилаётган тилнинг нутқ маданиятидан хабардор бўлсалар, иккинчи чет тилини эгаллаш жараёни анча интенсивлашган ҳолатда амалга оширилиши мумкин.

Ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш методикасини янгилаш, ўқув машғулотларида илғор педагогик технологиялар ва ахборот инфор­мацион воситаларнинг тўлиқ татбиқ этилишига эришиш зарур. Шунингдек, янги типдаги муқобил дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, аудио ва видеодискли дарсликлар, услубий қўлланмалар, дидактик таълимий воситалар, мультимедиа иловалари мажмуаларини яратиш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш керак.

Ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитиш методикаси таълимнинг турли босқичларида тилнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, таълим жараёнида нутқ маданияти асосларини ўрганиш масаласи ҳам энг муҳим жараёнлардан бири саналади.

Ш.Б. Содиқова ўзбек тилини хорижий тил сифатида жадал ўқитиш учун бир қатор вазифаларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлайди ва қуйидагиларни санаб ўтади:

- коммуникатив-нутқий, лексик-грамматик материални маълум бир тизим асосида бериш;
- имло қоидаларини ўргатиш;
- оғзаки ва ёзма нутқ кўникма ва малакаларини чуқурлаштириш;
- луғатлардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш;
- матн билан ишлаш кўникмасини шакллантириш;

¹⁶Щепилова А.В. Концепция обучения второму иностранному языку (французскому на базе английского). – М.: МИПКРО, 1999.

- ўқувчилар сўз бойлиги ва нутқий малакасини ошириш;
- ўзбек халқининг миллий-маданий ўзига хос жиҳатларига оид билимларни кенгайтириш;
- ўқувчиларни эркин фикрлашга, мустақил мушоҳада қилишга ундаш;
- нутқ маданияти борасида асосий зарурий билимларни бериш¹⁷.

Бугунги кунда нутқ маданияти олий ўқув юртларида нафақат она тили дарсларида, балки чет тили ўқитиш дарсларида ҳам ўқитиладиган фанлардан бирига айланди. Она тили бўлмаган бошқа бир чет тилини ўрганиш орқали ҳам талабалар турли вазиятларда қандай сўзлаш, мулоқот қилиш қобилиятига эга бўладилар. Жумладан, ўзбек тилини ўрганиш жарёнида ҳам ўзбек халқи турмуш тарзидаги кундалик мулоқот жараёнида кўп қўлланиладиган тил бирликларидан фойдалана бошлайдилар. Шунга қарамадан, «нутқ маданияти» термини талабалар томонидан чет тилларини ўрганиш борасида тилшуносликда ва методик адабиётларда бир хил таърифга эга эмас. Кўплаб тадқиқотчиларнинг (Ю. А. Бельчиков, Е. Н. Стрельчук, Ю.А Подберезская) изланишларида нутқ маданияти оғзаки ва ёзма шаклда адабий тил меъёрларини эгаллашни ўргатувчи фан сифатида тушунилади, бунда тил воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш амалга оширилади, бу воситалар маълум бир вазиятларда мулоқот одобига риоя қилган ҳолда коммуникация вазифаларини бажариш учун зарур бўлган натижаларга эришишни таъминлайди¹⁸.

Ю. А. Подберезскаянинг фикрича, нутқ маданияти бу – сўзларни уларнинг лексик маъносига мос, лексик мувофиқлиги, долзарблиги, таъсирчанлигини англаган ҳолда танлаш демакдир, лексик меъёр эса – бу сўзларни қўллаш қоидалари ва сўзларнинг бошқа сўзлар билан мувофиқлиги. Бундай умумий таъриф алоҳида олинган хусусий ҳолатларни назарда тутаяди, яъни меъёр жиҳатдан сўзларни тўғри қўллаш – бу: 1) сўзларни меъёрдан чиқмаган ҳолатда ўша маъноларида қўллаш; 2) сўзларнинг синонимик муносабатларини ҳисобга олиш, синонимларнинг аралашиб кетишига йўл қўймаслик; 3) сўзларнинг омонимик муносабатларини ҳисобга олиш; 4) сўзларни қўллашда омонимлар ва паронимларни фарқлаш; 5) қўлланишиш доираси чекланган сўзларнинг ишлатилишини аниқ билиш (эскирган сўзлар, ўзлашма сўзлар, касб-хунарга оид сўзлар, диалектизмлар, оддий сўзлар, неологизмлар, жаргонизмлар, арголар); 6) сўзларни ортиқча ишлатишга йўл қўймаслик (тавтология, плеоназм, паразит сўзлар) ва фикрни нотўлиқ ифодаламаслик; 7) фразеологизмларни тўғри қўллаш¹⁹.

Нутқ маданияти бу – тил воситаларини шундай танлаш ва ташкил этишки, бу мулоқот вазиятида замонавий тил меъёрларига ва мулоқот одобига риоя қилиш, шахсга ўз олдига қўйган коммуникатив масалаларни

¹⁷ Содикова Ш.Б. Ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитиш масалалари. // “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали. – Тошкент, 2017. – №2.

¹⁸ Стрельчук Е. Н. Лингвометодические основы обучения иностранных учащихся культуре русской письменной речи на этапе довузовской подготовки: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М., 2008. – С. 9.

¹⁹ Подберезская Ю. А. Лексические нормы в методике преподавания культуры русской речи студентам-иностранцам. // *Lingua mobilis* – № 4 (37) – 2012. – С.158-161.

ҳал қилишда юқори самарага эришиш имконини беради ²⁰. Ҳозирги вақтда нутқ маданиятининг замонавий концепцияси ҳақида кўп фикр билдирилмоқда. “Культура русской речи” дарслигида нутқ маданиятининг уч аспекти – меъёрийлик, этикавийлик, коммуникативлик ҳақида тўхталиб ўтилган²¹.

Бугунги кунда мавжуд бўлган таълим тизими ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитилишида компетенцияли ёндашувни амалга оширишни назарда тутаяди. О.А. Варникованинг ёзишича: «Таълим андозаларида олий маълумотли учинчи авлоднинг ёқимли образини таърифлашда «лаёқатлилилик» тушунчасидан фойдаланишга ўтиш мутахассис фаолиятининг кенг қамровли эканлигини кўрсатади»²².

Мутахассислар, магистрлар сингари бакалаврлар учун ҳам лаёқат турлари рўйхати тузиб чиқилган бўлиб, улар фаол иш олиб боришга қодир, мустақил, ижтимоий ва касбий маҳоратга эга бўлган шахсни шакллантириш ва ривожлантиришга имкон беради. Еврокомиссия тавсияларига мувофиқ, саккизта лаёқат тури универсал ёки асосий ҳисобланади, бунга она тили ва чет тиллари, маданият ва маданиятлараро лаёқатлилилик ҳам қиради²³.

Натижалар асосида олий ўқув юрти тизимидаги ва Европа таълим тизими талабларига риоя қилинган ва қиёсий ҳолатда таҳлил қилинади. Бу таҳлиллар натижасида иккинчи чет тилини ўқитишни ташкил қилиш тажрибасидан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкин: чет тилини ўқитишнинг биринчи ярим йиллик натижаларига кўра (иккинчи чет тили мисолида эса олий ўқув юртида ўқишнинг иккинчи ярим йиллиги) халқаро баҳолаш шкаласига кўра А1 тўғри келади; иккинчи чет тилини фан сифатида ўрганишнинг натижалари учинчи ва тўртинчи ярим йиллик натижаларига кўра А2 даражасига тўғри келади; 5-6 ярим йилликлар давомида иккинчи чет тилини ўрганиш натижалари эса В1 даражасига тўғри келади; бакалаврият тизимининг якунида (еттинчи ва саккизинчи ярим йилликлар) иккинчи чет тилини ўрганиш даражаси В2 даражасига мос келади деб тан олинishi мумкин.

Ўзбек тилининг иккинчи чет тили сифатида дастур асосида ўқитилишидан мақсад шуки, ушбу предметни таҳлил қилиш жараёнида талабалар ўзлари танлаган касб фаолияти бўйича таҳлилий-эксперт ва дипломатик кўринишдаги вазифаларни ҳал қилишга тайёргарлик кўришлари мумкин:

Бу фан касбий фаолият бўйича талабаларни қуйидаги соҳалардаги вазифаларни ҳал қилишга ўргатади:

– санъат ва маданият, маданий-маърифий соҳаларда маданий алмашинувлар ва чет мамлакатлар ва минтақалар билан гуманитар соҳадаги алмашинувлар;

– алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги фаолият;

– чет давлатлар ва минтақалар билан дипломатик, ташқи иқтисодий ва

²⁰ Граудина Л.К. Культура русской речи. – М.: НОРМА, 2003. – С.96.

²¹ Культура русской речи.: учебник для вузов. – М.: Норма-Инфра, 2000. – С.15.

²² Варникова О.В. Формирование профессиональной компетентности студентов высшей школы в процессе иноязычной подготовки. Автореф. дис. ... доктора пед. наук. – Пенза., 2011. – С. 3.

²³ Рекомендации еврокомиссии: www.Let.rug.nl.

бошқа алоқалар;

- маданиятлараро мулоқот доирасидаги фаолият;
- таржима фаолиятида фойдаланилиши (оғзаки ва ёзма таржима);
- чет тилларида расмий ва иш қоғозларини юритиш;
- маъмурий-бошқарув ва идоралар фаолияти;
- оммавий-ахборот воситалари фаолияти;
- ноширлик фаолиятида ва бошқа кўплаб соҳалар фаолияти.

Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги долзарб ўзгаришлар "Чет тили" фанининг ўқитилиши, чет тилларини ўқитишнинг мақсад, вазифалари ва бу жараёни ташкил қилишнинг мазмунини қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади. Ўқув жараёнига янги ёндашувларнинг татбиқ этилиши янги ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, мажмуаларнинг яратилишига имкон берди.

Мазкур бобдаиккинчи чет тилини ўқитишнинг дидактик-методик асослари ўрганиб чиқилиб, ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш жараёнида унинг ўзига хос томонлари, қийинчиликлари борлигини ҳам ҳисобга олиш тавсия қилинди. Яъни: 1) асосий ўқув материалдан ташқари берилган мустақил таълим бўйича топшириқлар бўйича ишлаш; 2) луғат ва маълумотномалар билан ишлай олиш; 3) чет тилида қўшимча адабиётлар билан ишлаш; 4) жадваллар, статистик маълумотлар ва иллюстратив материаллардан фойдалана олиш; 5) берилган топшириқларни бажаришда уларга ижодий ёндашиш; 6) мустақил равишда бадиий адабиётлар билан танишиш ва ОАВ манбаларини қўллай олиш; 7) ўз диққатини тўплаган ҳолда мустақил ишлай олиш.

Тадиқот жараёнида ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитишда нутқ маданияти концепцияси ишлаб чиқилди ҳамда ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш жараёнида компетенцияли ёндашувни амалга ошириш ҳақида батафсил маълумот берилди. Коммуникатив компетенцияни уни ташкил қилувчи уч кўринишда қараб чиқиш тавсия қилинади: 1) фан-ахборот кўринишида; 2) фаолият-коммуникатив кўринишда; 3) шахсга йўналтирилган кўринишда.

Шунингдек, диссертацияда тил ўқитиш методикасида тез-тез қўлланивчи компетенция турлари шарҳлаб берилди: 1) *маданиятлараро мулоқот компетенцияси*; 2) *лингвистик компетенция*; 3) *прагматик компетенция*; 4) *дискурсив компетенция*; 5) *стратегик компетенция*; 6) *социолингвистик компетенция*; 7) *ижтимоий-маданий компетенция*.

Ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганаётган талабалар билан ишлашда асосий эътибор коммуникатив компетенция ёки мулоқот қила олиш лаёқатига қаратилади, бу эса талабаларга бошқа тилда сўзлашувчилар билан мулоқот қила олиш ва профессионал билимларни эгаллаш имконини беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбек тили иккинчи чет тили сифатида ўқитилган Россия олий ўқув юртлари талабаларини ўзбек нутқ маданиятига ўргатишнинг лингвометодик асослари**» (иккинчи чет тили сифатида) деб номланади. Иккинчи чет тилини ўрганиш жараёнида талабаларга бошланғич умумий таълим даражасида биринчи чет тилини

Ўрганиш давомидаги тажрибаларидан фойдаланиш тавсия этилади, қиёсий-контрастив ёндашувга мурожаат этиш мумкин бўлади ва универсал ўқув жараёнини шакллантириш учун «Чет тили» ва «Иккинчи чет тили» фанларининг имкониятларидан фойдаланиш мумкин бўлади. Бундай ёндашув биринчи чет тилини ўрганиш давомида шакллантирилган кўникма ва билимларни бевосита иккинчи чет тилини ўрганиш жараёнига ўтказиш ва ундан самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Ўзбек тили ёрдамида амалга ошириладиган маданиятлараро мулоқотга киришиш қобилиятини ўстириш талабаларда, энг аввало, тили ўрганиладиган мамлакатга доир билимлар, кўникма ва малакаларни, уларнинг лингвистик, маданий қадриятларни ўрганишлари ва уларга яқинлашишларини назарда тутди. Бу маданиятлараро алоқалар вазиятларида ва уларни тушунишда ушбу тилдан амалий равишда фойдаланиш имкониятини беради.

Талабалар учун она тили бўлган рус тили ва ўзбек тилини қиёслаш натижасида ўрганилган билимлар ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганишда, айниқса, тил ўрганишнинг бошланғич босқичида қўл келади. Бир қарашдаёқ кўзга ташланадиган сўзлар, кўпинча ўзлашган сўзлар, байналмилал сўзларнинг кўпчиликини ташкил қилиши тилни ўрганишда самарали ёрдам беради.

Шунингдек, қуйидаги тамойилларга амал қилиш ҳам ўзбек тилини ўрганиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади:

- ўз она тили билан ўзбек тили ўртасидаги ўхшашлик томонларини билиб, уларга таяниш;

- тилни фаҳмлаш, тахмин қилиш асосида (сўзнинг маъносини фаҳмлаш, грамматик шаклини тушуниш) матнда берилган таниш сўзлар ёрдамида унинг қисмларини англаш;

- тил ҳодисаларининг фарқларини англаш ва фикрни ифодалаш усулларини билиш;

- биринчи тилни ўрганишда эгалланган тажриба, яъни матн билан ишлаш олиш қобилиятини иккинчи тилни ўрганишга ҳам олиб ўтиш ва матн билан ишлашни давом эттириш (сўз маъносини луғатдан топиш, сўзларнинг келиб чиқишига қизиқиш ва бунинг натижасида сўзларни хотирада сақлаш, жумлаларни қайтадан туза олиш, турли хил кўринишдаги машқларни бажара олиш).

Шунингдек, мазкур бобда чет тилини ўрганиш давомида ҳар бир босқичда ҳар доим она тилининг таъсир қилиши муаммоси таҳлил қилинади. Чет тилини ўрганишнинг якуний натижаси, қўлланиладиган методик усулларнинг самарадорлиги нафақат талабанинг тил ўрганиш қобилиятига, балки тил билишнинг таянч даражасига ва, шунингдек, аудиторияда машғулотлар ўтказиш учун ажратилган ўқув соатларига ҳам боғлиқ бўлади.

Умуман олганда, талабаларнинг она тилига ёки ўртада восита вазифасини ўтаётган тилга мурожаат этишларининг тўртта долзарб усули борлигини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Ўқув жараёнида талабаларнинг ўрганиладиган чет тили ва она тилини қиёслашлари. Чет тилини ўрганиб, талаба ўзи мустақил равишда ёки ўқитувчи ёрдамида унинг учун она тили бўлган тил билан барча даражаларда,

тилнинг барча сатҳларидаги (фонетик, лексик, грамматик ва бошқа тил сатҳларида) ўхшаш томонлари ёки фарқли жиҳатларини аниқлаш, тиллараро интерференциянинг юзага келишини аввалдан билиш ва унинг олдини олиш, у тилдан бу тилга кўчириб ўтиш имкониятларидан фойдаланиш.

2. Миллийликка йўналтирилган ўқув материаллари ва қўлланмаларини яратишда талабаларнинг она тилини ҳисобга олиш (бу жойда маданият ҳам инобатга олинади).

3. Рус тилини чет тили сифатида ўрганиш курсларида ўқиш жараёнини олиб боришда она тили ва восита вазифасини ўтаётган тилдан фойдаланиш, ташкилий вазифаларни бажариш, грамматик материални тушунтириш, сўз маъноларининг семантизациясига эътибор бериш.

4. Турли миллат вакиллари бўлган талабаларнинг ўқув материалларига мослашувида улар она тилига мурожаат этиш. Универсал дарсликлардан фойдаланган ҳолда ва уларда берилган материалларнинг бошқа тилда сўзловчи талабалар томонидан қабул қилинишига қараб ўқитувчи хулосага келади ва машғулотларнинг самарадорлигини ошириш учун қайси маълумотлар, қўшимча шарҳлар ёки ўқув материалларидан фойдаланиш зарурлиги ва уларни машғулотларнинг янада самаралироқ бўлиши учун ўқув жараёнига киритишни ишлаб чиқади.

Россия олий ўқув юртларида бошқа чет тиллари қаторида ўзбек тилини ўрганиш дастурларига фонетика, тилнинг луғат таркиби ва грамматикани чуқур ўргатиш киритилган, лекин кўпроқ эътибор асосан грамматикага қаратилади.

Мазкур бобда, шунингдек, ўзбек ва рус тиллари фонетикасининг қиёсий таҳлили берилди, уларнинг ўхшаш томонлари, бир-биридан фарқ қилувчи ва ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинди. Масалан, рус тилида асосий олтита унли товушлар бор: [а], [о], [э], [и], [у], [ы]. Ўзбек тилида ҳам асосий унлилар олтита унли товушлардан иборат: [а], [о], [е], [и], [у], [о']. Ҳар иккала тилдаги охирги унли, яъни рус тилидаги [ы] унлиси ва ўзбек тилидаги [о'] фақат бу тилларнинг ўзига хос унли товушлари эканлиги билан ажралиб туради.

Ўзбек ва рус тилларида [х] ундош товуши ҳар иккала алифбода ҳам бир хил ҳарф билан белгиланган, лекин амалда эса уларнинг талаффузи ҳам, артикуляцияси ҳам ўхшаш эмас. Ўзбек ва рус тилларидаги 11 ундош товушлар ҳар иккала тилда ҳам деярли бир хил талаффуз қилинади: [b] – [б], [d] – [д], [z] – [з], [m] – [м], [n] – [н], [p] – [п], [r] – [р], [s] – [с], [t] – [т], [f] – [ф], [ch] – [ч].

Орфоэпик меъёрлар, ўзбек ва рус тилларида урғунинг ифодаланиши ва фарқли жиҳатлари, рус ва ўзбек тилларида сўз ясалиши, сўз туркумларининг қиёсий таҳлили бобдаги параграфлар мазмунида атрофлича таҳлил қилинди.

Феъл туркуми грамматик категорияларининг услубий имкониятлари ҳар икки тилда ўзига хос бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Масалан, ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий ижодига назар ташласак, унинг асарларида *yaxshi ko'rmog*, *yoqtrirmog*, *sevmoq* феълларининг синонимик қатори элликдан ошиқ эканлигини кузатиш мумкин.

Шунингдек, тадқиқотда ўзбек тилида феъл билан боғлиқ мавзуларни тушунтириш, уни чет эллик талабаларга ўргатишда ўзбек тилида феълнинг имкониятлари ниҳоятда кенг эканлигига таяниш, бунда А.Нурмонов, Р.Расулевларнинг «Ўзбек тили жадвалларда» деб номланган методик қўлланмасидан фойдаланиш хусусидаги фикр илгари сурилди.²⁴

Абитуриентлар учун мўлжалланган «Она тили» ўқув қўлланмасида эса феълнинг барча категориялари, хусусан, ўзбек тилидаги асосий учта феъл замонининг тўққиз кўриниши мисоллар билан содда тушунтириб берилган.²⁵ Талабаларга грамматик қоидаларни тушунтириб беришда ўзбек тилидаги барча янгиликлар, изоҳларни ҳисобга олган ушбу ўқув қўлланмаси ўқитувчи учун жуда қулай. Дарс жараёнида содда феъллар, қўшма феъллар, етакчи ва кўмакчи феълли сўз қўшилмалариниёки таркибли феълларни ниҳоятда синчковлик билан ўрганиш талаб қилинади. Шундагина талаба ўзининг оғзаки ва ёзма нутқини тўғри шакллантира олади.

Тадқиқотимизнинг асосий мақсади ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганаётган талабаларнинг нутқ маданиятини шакллантиришдан иборат бўлганлиги сабабли нутқ маданиятини шакллантиришга оид концепцияларга, замонавий назарий тадқиқотлар ва нутқ маданиятини шакллантириш бўйича ишланмаларга таянилди, бунда «иккинчи чет тилининг нутқ маданияти» тушунчасига таъриф беришда И.Э. Абдрахманова, Т.С. Бочкарева, Е.В. Климкина, И.А. Мозолева, Е. Г. Обухова, Э. Бегматов, А. Маматов, Д.М. Тешабаева²⁶ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларидан фойдаланилди.

Шунингдек, мазкур бобда биринчи чет тили сифатида инглиз тилини ва иккинчи чет тили сифатида ўзбек тилини ўрганаётган талабалар нутқидаги хатоликлар ва уларни бартараф қилиш йўллари кўриб чиқилди.

Талабалар нутқида учрайдиган хатоларнинг ҳар қандай таснифи бу хатоларнинг олдини олиш ва уларни тўғрилаш бўйича ишлашда маълум бир методик хулосалар қилиш имкониятини беради. Шу сабабли биринчи чет тили сифатида инглиз тилини ва иккинчи чет тили сифатида ўзбек тилини ўрганаётган талабалар нутқидаги хатоликлар тасниф қилиниб, уларни бартараф қилиш йўллари кўрсатиб ўтилди.

Тадқиқот давомида тиллараро интерференция, орфоэпик, орфографик, имловий, лексик хатолар, талабаларнинг оғзаки ва ёзма нутқларида кўп

²⁴Нурмонов А., Расулев Р. Ўзбек тили жадвалларда: Методик қўлланма. – Тошкент, 2000. – Б.77-91.

²⁵Хамроев М. А. Она тили. Ўқув қўлланма – Тошкент : Низомий номидаги ТДПУ типографияси, 2008. – 134-б.

²⁶Абдрахманова И. Э. Совершенствование русской речи иностранных студентов на основе восприятия российской аудиовизуальной культуры: Автореф.дисс....д-ра пед.наук. – М., 2010. – 43с.; Бочкарева Т. С. Развитие речевой культуры студентов университета: Дисс. ... канд. пед.наук. – Оренбург, 2002. –173 с.; Климкина Е.В.Формирование профессионально-речевой культуры социального педагога в процессе обучения в вузе: Автореф.дисс... канд.пед.наук. – М., 2001. – 22с.; Мозолева И. А. Формирование речевой культуры студентов туристского вуза на основе межпредметных связей: Автореф.дисс....канд.пед.наук. – М., 2003. – 27с.; Обухова Е. Г. Развитие речевой культуры студентов педагогического вуза средствами иностранного языка: Дисс. ... канд. пед.наук. – Биробиджан, 2003. –227с.; Бегматов Э. ва бошқ. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент, 1983. – 75.б ; Бегматов Э., Жиянова Н. Нутқ маданияти асослари. –Тошкент, 2006. – 30 б.; Маматов А. Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари: Филол. фан. д-ри дисс. – Тошкент, 2000 – 89-б.; Тешабаева Д. М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи: Филол. фан. д-ри. дисс.автореф. – Тошкент, 2012 – 47 б.

учрайдиган, тил меъёрларининг бузилиши сабабли пайдо бўладиган нутқий хатолар, стилистик хатолар гуруҳланиб, мисоллар билан кўрсатиб берилди ва уларни бартараф қилиш йўллари бўйича машқлар тизими ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш жараёнида нутқий фаолият турларига ўргатиш**» деб номланади. Бу бобда ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганишнинг амалий жиҳати ёритиб берилади. Ушбу боб ҳажмига кўра катта боб бўлиб, ундаги «Нутқий фаолият тури сифатида тинглаб тушуниш бўйича ишлаш» (Эшитиш механизмлари, нутқни эшитиш жараёнидаги қийинчиликлар), «Ўқиш нутқий фаолиятга тайёрлашнинг асосий бир тури сифатида» (ўқиш турлари бўйича ишлаш, ўқиш жараёнида тушунишни назорат қилиш), «Нутқий фаолиятнинг гапириш турига ўргатиш. Нутқнинг юзага келиши» (Нутқ вазиятлари, дарс жараёнида ишлаш), «Нутқий фаолиятнинг энг маҳсулдор турларидан бири бўлган ёзув бўйича ишлаш» каби параграфларда нутқ фаолиятининг тўрт тури бўйича таҳлиллар, ўқув жараёни давомидаги кузатишлар юзасидан хулосалар берилди.

Чет тилларини ўрганиш методикасида XX асрнинг ўрталаридан бошлаб аср охиригача нутқ фаолияти турлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган кўплаб тилшунос олимлар нутқ фаолиятининг барча турларига алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, Л.М. Шварц, Н.И. Жинкин, А.Н. Соколов, Р.М. Фрумкина, И.А. Зимняя, Б. А. Лapidус, С.К. Фоломкина, Г.В. Рогова, Г.В. Рабинович, Ф.М. Сахарова Т.Е. Брейгина, М.Е. Щепилова А.В. Маслико, П.К. Бабинская,²⁷ шунингдек, Ж.Жалолов, Т.Қудратов, У.Ҳошимов, И.Ёкубов, М.Ходжаев, М. Қаҳҳоровалар²⁸ ва И.Н.Кузнецовларнинг²⁹ фикрлари атрофлича таҳлил қилиниб, ўқув жараёнида улардан фойдаланиш имкониятлари ҳақида хулосалар берилган. Шунингдек, бобда «Нутқий фаолиятга ўргатишда лингвомаданиятшуносликка оид матнларнинг роли» ҳақида батафсил баён қилинди.

«Узбекский язык для стран СНГ» дарслигида лингвомамлакатшуносликка доир этюдлар (тасвирий ёки тавсифий матнлар) берилган.³⁰ Лингвомамлакатшуносликка доир матнлар тили ўрганилаётган мамлакат

²⁷Шварц Л.М. Психология навыка чтения. – М.: Высшая школа, 1941 – 143с.; Жинкин Н.И. Механизмы речи. – М.: АПН РСФСР, 1958 – 370с.; Соколов А.Н. Внутренняя речь и мышление. – М.: АПН СССР, 1967 – 36с.; Фрумкина Р.М. Психоллингвистика: учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: Издательский центр: Академия, 2003 – 320с.; Фоломкина С.К. Обучение чтению на иностранном языке. – М.: Высшая школа, 2005 – 185с.; Зимняя И. А. Психология обучения иностранным языкам в школе. – М.: Просвещение, 1991. – 219с.; Лapidус Б.А. Обучение второму иностранному языку как специальности. – М., Высшая школа, 1980 – 172с.; Рогова Г.В., Рабинович Ф.М., Сахарова Т.Е. Методика обучения иностранным языкам. – М.: Просвещение, 1991 – 287с.; Брейгина М.Е., Щепилова А.В. Обучение чтению. Методика обучения иностранным языкам: традиции и современность (под ред. А.А. Миролубова) – Обнинск, 2010 – С.151-178.; Маслыко Е.А., Бабинская П.К и другие. Настольная книга преподавателя иностранного языка. – Минск: Высшая школа, 2004 – 552с.

²⁸Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси: Чет тиллар олий ўқув юртлири (факультетлари) талабалари учун дарслик. – Тошкент, Ўқитувчи – 1996 – 368 б.; Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари: ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993 – 160б.; Ҳошимов У., Ёкубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Шарқ, 2003 – 302с.; Ходжаев М., Қаҳҳорова М. Чет тили ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 2003 – 302 с.

²⁹Кузнецов И.Н. Современная деловая риторика. – М.: ГроссМедиа, 2007. – С.122-123.

³⁰Бакиева Г.Х., Караева Б.Х., Коршунова Е.Н., Краева И.А, Тешабаева Д.М., Фролова Г.М. Узбекский язык для стран СНГ. – М.: ФГБОУ ВПО МГЛУ, 2012. – С.137-166.

тарихи, маданияти, урф-одатлари, анъаналари, халқ байрамлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳикоялардан иборат. Лингвомамлакатшуносликка доир билимлар шу тилда сўзловчининг нутқидаги миллий – маданий ўзига хосликни, эквивалентсиз лексика, мақоллар, маталлар, халқ иборалари, турғун бирикмалар, муомала маданиятидаги ўзига хос жиҳатлар, анъанавий ишлатилиб келинадиган ва тилга кириб келган янги сўзлар ва шунга доир маълумотларни қамраб олади³¹.

“Нутқ фаолияти турларига ўргатишда матнлар таржимаси устида ишлаш”, “Ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш жараёнида машқлар тизими” ва “Баҳолаш мезонлари ва назорат турлари” ҳамда лингвомаданиятшуносликка оид матнларга доир берилган фикрларни мантиқан давом эттиради ва талабаларнинг ўзбек тилида нутқ маданиятини эгаллашларига ёрдам беради.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Дардан ташқари машғулотлар давомида ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш бўйича ишлаш**» деб номланади. Мазкур бобда тил ўрганишнинг яна бир жиҳати сифатида дардан ташқари олиб бориладиган машғулотлар, турли саналарга бағишлаб ўтказиладиган тадбирларда талабаларнинг иштирок этишлари, тадбирларга тайёргарлик жараёни билан боғлиқ машғулотлар мазмуни ва бу жараённинг ўзбек тилини ўрганишга таъсири ҳақида тўхталинди.

Бобнинг «Ўзбек тилини ўрганишда талабаларнинг дардан ташқари мустақил ишларини ташкил этиш» параграфи ўқув дастурларида берилган мустақил таълим учун ажратилган дарс соатларини ташкил қилишга бағишланади. «Дардан ташқари ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг ўзбек тилини ўрганишдаги роли» деб номланаган параграфда эса маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш мазмуни ва уларнинг тил ўрганишга ижобий таъсири ҳақида фикр юритилади. Бобдаги «Талабаларнинг тил амалиётини ташкил этиш» параграфида талабаларнинг ўқув режаси асосида тил амалиётини ташкил қилишнинг мазмуни ҳақида баён қилинади. Бобнинг «Кўрик-танловлар, илмий анжуманларда талабаларнинг иштирокини ташкил қилиш» каби параграфида эса ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганаётган талабаларнинг ўзбек тилига оид республика ва халқаро кўрик танловлари, илмий-амалий анжуманлардаги иштироки ёритиб берилди.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Ўзбек тили нутқ маданиятига ўргатиш методикаси**» деб номланади. Бобдаги «Педагогик экспериментни ташкил қилиш, унинг вазифалари», «Асословчи ва таъкидловчи босқичлар тажрибаларини ташкил қилиш ва олиб бориш», «Талабаларнинг оғзаки ва ёзма нутқи шаклландирилганини аниқлашнинг мезон ва даражалари» ва «Эксперимент натижаларининг математик статистик таҳлили» номли параграфларда илмий тадқиқот жараёнида педагогик экспериментни ташкил этиш асослаб берилди ва тажриба синов ишларининг натижалари таҳлил қилинди, шунингдек, олиб борилган эксперимент натижаларига математик статистика ишлови берилади.

³¹Методические рекомендации по преподаванию иностранных языков в общеобразовательных учреждениях города Москвы. /сост.Фролова Г.М., Краева И.А. – М.: ФГБОУ ВПО МГЛУ, 2013. – С. 16.

Талабаларни ўзбек тили нутқ маданиятига ўргатишнинг назарий ва амалий жиҳатларини қамраб олувчи ушбу тадқиқот фаразлари 2012–2019 йиллар давомида таълим жараёнида синовдан ўтказилди. Педагогик эксперимент бўйича олиб борилган тажриба–синов ишларида, асосан, Москва Давлат лингвистика университетида ўзбек тилини ўрганаётган гуруҳларнинг талабалари ҳамда Москва Давлат университети Осиё, Африка мамлакатлари тарихи институти талабалари иштирок этдилар. Тажриба–синов ишларини 2012–2019 йиллар давомида Москва давлат лингвистика университетининг халқаро муносабатлар ва ижтимоий–сиёсий фанлар институтининг сиёсатшунослар ва минтақашунослар гуруҳларида гуманитар – амалий фанлар факультетининг лингвистика бўлими гуруҳи талабалари (5та гуруҳ, 58 нафар талаба), шунингдек, Москва давлат университети Осиё ва Африка мамлакатлари тарихи институтининг тарих бўлими талабалари (5 та гуруҳ, 50дан ошиқ талаба) жалб этилди. Жами бўлиб, 10 та гуруҳдаги 107 нафар талабалар тажриба–синов ишларида иштирок этдилар. Шунингдек, тажриба давомида турли олий ўқув юртларида ўзбек тилини чет тили сифатида ўрганувчи гуруҳларда дарс берувчи 10 нафар ўқитувчилар қатнашдилар.

Ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганаётган россиялик талабаларни ўзбек тилида нутқий фаолият турларига ўргатиш бўйича ўқув жараёнининг қуйидаги воситаларидан фойдаланилди ва педагогик тажриба–синов ишлари амалга оширилди:

1) тажриба–синов ишларини бошлашдан олдин талабаларнинг ўзбек тили бўйича билимлари, ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқишларини сўровномалар орқали ўрганиб чиқиш;

2) нутқий фаолият турларига ўргатиш бўйича амалий машқлар ёрдамида машғулотларни олиб бориш;

3) талабаларнинг келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган мавзуларда ёзилган махсус матнлар устида иш олиб бориш;

4) талабаларнинг ўзбекча талаффузини яхшилаш мақсадида эшитиб такрорлаш учун тайёрланган аудиоматнлар билан ишлаш;

5) оғзаки нутқ ва ўзбек тилида сўзлашишга ёрдам берадиган аудиоматнларни тайёрлаш ва улардан етарлича фойдаланиш;

б) эшитиш ва кўриш учун аудио-видео матнлар мажмуасини тайёрлаш;

7) танланган касб доирасида мулоқотга киришиш учун саволлар тўпламини тузиш;

8) лингвомамлакатшуносликка оид матнлар тўпламини тайёрлаб, аудиоматнлар ёзиш;

9) бадий асарлардан парчалар, шеърӣ асарлардан иборат аудиоматнлар мажмуасини тайёрлаш;

10) ўзбек халқ оғзаки ижодидан намуналардан иборат бўлган матнларни ташкил қилувчи мажмуа–аудиоматнлар тўпламини яратиш (ривоятлар, эртаклар, мақоллар, халқ иборалари).

Чет эллик талабаларни ўзбек тилида нутқий фаолият турларига ўргатиш мақсадида ўзаро мулоқот қилишга йўналтирилган интенсив ўқитиш, шунингдек, замонавий интерфаол методлардан фойдаланилди.

Москва давлат лингвистика университети халқаро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий фанлар институтининг сиёсатшунослар, минтақашунослар гуруҳлари ва гуманитар-амалий фанлар факультети лингвистика гуруҳи талабаларида ўзбек тили нутқий фаолият турларига ўргатишнинг, шунингдек, ўзбек тили нутқ маданиятига ўргатиш бўйича дастлабки билимларнинг, мустақил ишлаш кўникмаларининг шаклланганлиги, уларнинг ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқишлари қай даражада ошганлиги, келгусида танлаган касб фаолиятларида ўзбек тилининг ўрни қай даражада эканлигини аниқлаш масадида тажриба – синов ишлари олиб борилди. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва олиб боришдан олдин назоратга доир ишлар режалаштирилди, талабалар ўртасида ўзбек тилининг ўрганилиши билан боғлиқ сўровномаларга жавоблар аниқланди.

Тажриба – синов ишлари 2012-2019 йиллар давомида бир неча босқичларда олиб борилди. Дастлаб, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, ташхислашни амалга ошириш ва диагностика қилиш, башорат қилишни амалга ошириш босқичида эса тадқиқотнинг ўрганиладиган асосий муаммоси аниқланди, диагностика объектлари белгилаб олинди.

Талабаларни ўзбек тилида нутқий фаолият турларига ўргатиш ёрдамида уларда ўзбек тили нутқ маданиятининг шаклланганлик даражасини аниқлашда кўпроқ сўровномалар, тестлар бўйича савол-жавоблар ўтказиш, ижодий ишлар бўйича топшириқлар бериш усулларидан унумли фойдаланилди.

Одатдагидек, тажриба-синов ишларининг таъкидловчи, шакллантирувчи ва назорат қилишдан иборат бўлган босқичлари ташкил этилди. Тажриба-синов майдонларидаги ишлар 2012-2019 йиллар давомида босқичма-босқич давом эттирилди. Якуний ва умумлаштирувчи ҳисобланган охириги босқичда олинган натижалар бўйича кўрсатмалар, тавсиялар ишлаб чиқилди ва юқорида қайд этилган олий ўқув юртларида амалиётга татбиқ қилинди.

Тажриба-синов ишларининг биринчи даврида белгиланган мақсади нутқ фаолиятининг кўринишлари бўйича талабаларнинг кўникма ва малакаларини аниқлашга қаратилди, уларнинг ўзбек тили сатҳлари бўйича эгаллаган асосий билимлари, оғзаки ва ёзма нутқ бўйича мулоқотга кириша олиш даражаси, нутқнинг ҳар иккала кўриниши бўйича хато ва камчиликлари ўрганиб чиқилди.

Дастлабки босқичда талабаларнинг ўзбек тилини ўрганишлари қандай давом этаётганлиги ва уларнинг билим даражасини аниқлаш учун бир неча сўровномалар ўтказилди масалан, сўзлардаги синонимлик, омонимлик, антонимликни фарқлашга доир, отлардаги келишик, эгалик қўшимчалари, феъл замонларидаги шахс-сон қўшимчаларининг ўзлаштирилишини аниқлаш ўртача қийинликда бўлган тест саволлари тузиб чиқилди³².

Тажриба-синов ишларининг иккинчи даври 2016-2017 йиллар давомида олиб борилди. Бу босқичда ҳам олдинги босқичларда иштирок этган талабалар билан иш олиб борилди, шунингдек, ўзбек тили курсларида ўзбек тилини ўрганаётганлар ҳам жалб этилди. Шунингдек, бир неча сўровномалар

³²Бакиева Г.Х., Караева Б.Х., Коршунова Е.Н., Краева И.А., Тешабаева Д.М., Фролова Г.М. Узбекский язык для стран СНГ. – М.: ФГБОУ ВПО МГЛУ, 2012. – С.170-171.

ўтказилди, талабаларнинг нутқини янада ривожлантиришга мўлжалланган ўртача қийинликдаги тест саволлари тузиб чиқилди. Тест саволлари ичида талабаларнинг Ўзбекистон ҳақидаги билимларини текширувчи, ўзбек маданияти ва адабиёти билан қай даражада таниш эканликларини аниқлашга ёрдам берадиган тестлар ҳам мавжуд.³³

Тадқиқот ишининг олиб борилиши жараёнида тажриба-синов ишларининг иккинчи босқичида ишлаб чиқилган ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганувчи талабаларнинг оғзаки нутқини шакллантириш методикаси қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

- 1) ўзбек тилида оғзаки нутқ кўникмаларини шакллантириш;
- 2) оғзаки нутқни ўргатишга қизиқтириш, нутқ намуналарини таҳлил қилиш;
- 3) оғзаки нутқни яхши ўзлаштириш учун мулоқот вазиятларини амалда қўллаш;
- 4) бадиий фильмлар, телекўрсатувлар намойиши давомида қаҳрамонлар, иштирокчилар нутқларини таҳлил қилиш ва ўз нутқини тайёрлаш;
- 5) тил воситаларидан унумли фойдалана олиш ҳолати.

Тажриба-синов ишларининг 3-босқичи ҳам ўзига хос жиҳатлари билан бошқа босқичлардан фарқ қилади.

Навбатдаги топшириқлар эса янада мураккаблашиб боради, бу босқичда оғзаки ва ёзма нутқни бирга олиб боришда талабаларнинг ёзма нутқ малакасини яхши эгаллаган бўлишлари талаб қилинади. Аудиоматнларни эшитиб, ўз фикрлари билан ёзма матнларни тузиш бўйича топшириқлар талабаларни янада ижодкорлик билан ишлашга ундайди ва уларнинг ўзбек тилини ўрганиш бўйича қизиқишларини янада орттиради. Аудиоматнлар ўзбек тилидаги лингвомамлакатшуносликка оид матнлар, шунингдек, сиёсатшунослик ва минтақашунослик йўналишларида таълим олаётган талабаларнинг келажакдаги касб фаолияти билан боғлиқ мавзуларни қамраб олади.

Ўз навбатида, тажриба-синов ишларининг 2- босқичида олиб борилган машғулотлар режа асосида давом эттирилади ва 3- босқичда ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганувчи талабаларнинг ёзма нутқини шакллантириш методикаси қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

- 1) ўзбек тилида оғзаки нутқ бўйича ўзлаштирилган билим ва кўникмалари асосида талаб даражасида бўлган ёзма нутқни шакллантириш;
- 2) талабаларнинг ёзма нутқни саводхонлик билан эгаллашларига эришиш, ёзма нутқ бўйича бажарилган топшириқларни таҳлил қилиш;
- 3) ёзма нутқни пухта эгаллаш учун расмий иш қоғозлари бўйича намуналар ёзишга ўргатиш;
- 4) талабаларнинг келгусидаги танлаган касб фаолияти билан боғлиқ мавзуларни қамраб олган сиёсий ахборотлар тайёрлаш, баҳс-мунозаралар учун кириш сўзларини ёзиш, долзарб мавзуларда савол-жавоблар тузиш, сиёсий мавзулардаги телекўрсатувларга муносабат билдирилган матнларни

³³Готовимся к олимпиаде по языкам и культурам стран СНГ/Краева И.А и др. – М.: ФГБОУ ВПО МГЛУ, 2014. – С. 273-291.

ёзиш, ишчи дастурларида кўрсатилган мавзулар бўйича 1,5 саҳифадан 4 саҳифагача бўлган ҳажмда эсселар ёзишга тайёрланиш («Буюк Ипак Йўли», «Марказий Осиё давлатларининг интеграция жараёнлари», «Дунё минтақалари муаммоларининг сиёсий таҳлили», «Жаҳон бир ҳафта ичида» каби мавзулар шулар жумласидан ҳисобланади);

5) тингланган аудиоматнлар асосида баёнлар, эсселар ёзишга ўргатиш, мавзу юзасидан ўз фикрларини ифодалаш, кириш, асосий қисм ва хулосадан иборат ижодий матнлар ёзишга ўргатиш.

б) ўзбек тилида ижтимоий-сиёсий мазмундаги тушунчалар ва сўз бойлигини янада ўстириш.

Ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганаётган талабаларнинг тажрибагача ва тажрибадан кейинги тил билиш даражаларини асосан нутқий фаолиятнинг тўрт тури, яъни тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзув бўйича аниқлаш мумкин. Бу *биринчи гуруҳга* кирувчи асосий мезон ва даражалар дейишимиз мумкин. Бошқа чет тилларини ўрганиш каби, ўзбек тилини чет тили сифатида ўрганиш борасида ҳам нутқий фаолиятнинг тинглаб *тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзув* турлари асосий кўрсаткичлар бўла олади, чунки бу кўрсаткичлар ёрдамида тил ўрганувчиларнинг билим даражасини аниқлаш мумкин бўлади.

Тадқиқот давомиданутқ фаолияти турлари ва таржима фаолияти юзасидан 100 дан ошиқ талабаларнинг бу фаолият турларини қай даражада эгаллаганликлари аниқланди. Юқори, ўрта ва қуйи даражаларда ҳар иккала гуруҳда натижаларнинг қай тарзда ўсганлигини қуйидаги жадвалда кузатишимиз мумкин.

1-жадвал

Яқуний босқичда сиёсатшунослик, минтақашунослик ва тарих йўналишлари бўйича талабаларнинг нутқ фаолияти турлари бўйича ўзбек тилини ўрганиш даражаси.

Мезонлар	Кўрсаткичлар	Тажрибагуруҳи (50 нафар респондент)						Назорат гуруҳи (50 нафар респондент)					
		юқори		ўрта		қуйи		юқори		ўрта		қуйи	
		Таж.олдин	Таж.сўнг	Таж.олдин	Таж.сўнг	Таж.олдин	Таж.сўнг	Таж.олдин	Таж.сўнг	Таж.олдин	Таж.сўнг	Таж.олдин	Таж.сўнг
Тинглаб тушуниш	- ўзбек тили нутқ товушларини эшитиш ва ўрганишга бўлган кизиқиш; - сўзларни ва кичик матнларни эшитиш жараёнида уларнинг мазмунини тушунишга ҳаракат қилиш;	20 40%	25 50 %	13 26 %	18 36 %	17 34 %	7 14 %	18 36 %	19 38 %	20 40 %	20 40 %	12 24 %	11 22 %

Ўқиш	-сўзларни тушуниб ўқишга ҳаракат қилиш; -сўзларни ўқишда сўз урғуси ва гап урғусига эътибор бериш; -сўзларни ўқишда таниш белгиларига эътибор берган ҳолда талаффуз қилиш; -матнларни ўқиш жараёнида хабар ва сўроқ мазмунига эътибор бериш	20 40%	24 48 %	18 36 %	23 46 %	12 24 %	3 6 %	18 36 %	20 40 %	20 40 %	22 44 %	12 24 %	8 16 %
Гапириш	- -монологик нутқни баён қилишда нутқнинг равлонлиги; - -тезкор мулоқотга кириша олиш қобилияти	12	18	20	23	18	9 18 %	13	15	20	23	17	12
		24 %	36 %	40 %	46 %	36 %	26 %	30 %	40 %	46 %	34 %	24 %	
Ёзув	- сўзлар имлосининг ўрганилганлик даражасини намоён қила олиш; - матн ёзиш жараёнида ёзув тамойилларига амал қилиш;	14	18	19	23	17	9 18 %	15	17	20	22	15	11
		28 %	36 %	38 %	46 %	34 %	30 %	34 %	40 %	44 %	30 %	22 %	

2-жадвал

Яқуний босқичда сиёсатшунослик, минтақашунослик ва тарих йўналишлари бўйича талабаларнинг таржима машқлари бўйича натижалари (2 -жадвал, 1-қатордаги рақамлар талабалар сонини ва икинчи қатордаги рақамлар талабалар сонига нисбатан фоиз ҳисобини кўрсатади)

Мезонлар	Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи (50 нафар респондент)						Назорат гуруҳи (50нафар респондент)					
		юқори		ўрта		қуйи		юқори		ўрта		қуйи	
		Таж. олдин	Таж. олди	Таж. олдин	Таж. сўнг	Таж. олдин	Таж. сўнг	Таж. олдин	Таж. сўнг	Таж. олдин	Таж. сўнг	Таж. олдин	Таж. сўнг
Таржима	- матн мазмунини тўлиғича таржима қила олиш қобилияти; - касб фаолиятига доир ва ижтимоий-сиёсий мавзулардаги матнларни мустақил равишда таржима қила олиш малакаси	16 32%	20 40 %	18 36 %	24 48 %	16 32 %	6 12 %	14 28 %	16 32 %	19 38 %	22 44 %	17 34 %	12 24 %

Олиб борилган педагогик тажриба натижаларининг ишонарли эканлигини исботлаш учун математик статистика усулидан қисман фойдаланилди. Нутқ фаолияти турларини эгаллаш юзасидан олинган барча натижалар В. Г. Гречихиннинг китобидан олинган формулага кўра ҳисоблаб чиқилди. Бунинг учун ўртача арифметик йиғинди бирлигини аниқлаш зарур бўлади. Нутқ фаолияти турларидан тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш ва ёзув, шунингдек, таржима жараёни ҳам олинди ва В.Г.Гречихин томонидан тавсия этиладиган формула бўйича ўртача арифметик йиғинди ҳисоблаб чиқилди³⁴:

$$X = \frac{X_1 + X_2 + X_3 + \dots + X_n}{n}$$

X= ўртача арифметик йиғинди, $X_1 + X_2 + \dots + X_n$ эса кўрсаткичлар бўйича олинган жавоблар, n эса кузатишлар, нутқ фаолияти турлари саналган *тинглаб тушуниш, ўқиш, гапириш, ёзув* ва *таржима* юзасидан кўрсаткичларнинг умумий сони. Шундай қилиб, 100 нафар талабани ўз ичига олган икки катта гуруҳ, яъни 50 нафар тажриба гуруҳи аъзолари ва 50 нафар талабадан иборат назорат гуруҳи талабаларининг юқори, ўрта ва қуйи даражалар бўйича берган жавоблари асосида юқорида келтирилган формула бўйича ўртача арифметик йиғинди аниқланди.

Педагогик тажриба бошида тажриба гуруҳи талабаларининг юқори даражадаги жавоблари юқоридаги формула асосида ишлаб чиқилганда қуйидаги натижалар олинди:

$$X \text{ тажриба гуруҳи} = \frac{40,0 + 40,0 + 24,0 + 28,0 + 32,0}{5} = 32,8$$

Тажриба охирида шу гуруҳ талабалари берган жавобларнинг юқори даражаси қуйидаги рақамларни кўрсатади:

$$X \text{ тажриба гуруҳи} = \frac{50,0 + 48,0 + 36,0 + 36,0 + 40,0}{5} = 42,0$$

Натижалар таҳлили асосида тажриба гуруҳи талабаларининг ҳар икки босқичдаги берган жавоблари ўртасидаги фарқ 32,8 фоиздан 42,0 фоизгача ўсганлиги аниқланди.

Нazorat гуруҳларида нутқ фаолияти турлари ва таржима бўйича билимлар ўзлаштирилганлигининг юқори даражасини олинган натижаларда кўриб чиқамиз:

$$X \text{ назорат гуруҳи} = \frac{36,0 + 36,0 + 26,0 + 30,0 + 28,0}{5} = 31,2.$$

Тажриба охирида назорат талабалари берган жавобларнинг юқори даражаси қуйидаги рақамларни кўрсатади:

$$X \text{ назорат гуруҳи} = \frac{38,0 + 40,0 + 30,0 + 34,0 + 32,0}{5} = 34,8.$$

Яъни назорат гуруҳи талабаларидан тажриба бошида ва охирида олинган жавоб натижаларига кўра, нутқ фаолияти турлари ва таржима

³⁴В.Г. Гречихин. Лекции по методике и технике социологических исследований. – М.: Изд-во МГУ, 1988. – С.198-201.

бўйича билимларнинг ўзлаштирилганлик юқори даражаси 31,2 фоиздан 34,8 фоизгача ўсган, холос.

Ушбу формулага кўра, тажриба ва назорат гуруҳларида нутқ фаолияти турлари ва таржимага оид билимлар ўзлаштирилганлигининг ўрта ва қуйи даражаси ҳисоблаб чиқилди. Натижалар қуйидагича: тажриба гуруҳида 50 нафар талабанинг нутқ фаолияти турлари ва таржима бўйича билимларни эгаллаганликларининг ўрта даражаси тажрибадан олдин 35, 2 фоизни ташкил этган бўлса, тажриба охирига келиб 44,4 фоизга ошганлиги аниқланди. Худди шу гуруҳда ўзлаштиришнинг қуйи даражаси 32,0 фоиздан 13,6 фоизга ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Юқори ва ўрта даражада фоизларнинг ўсганлиги эвазига қуйи даражада бўлган талабалар сонининг камайганлиги ўз-ўзидан бу кўрсаткичнинг ҳам ижобий томонга ўзгарганлигини кўрсатади.

